



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН. № 25 (17.903). 30 январь 1981 йил, жума Баҳоси 2 тийма.

ТАБИАТ МУХОFAZACИ-УМУМХАЛҚ ИШИ

Она табиат — бойлик ва нафосат, гўзаллик ва саломатлик масканидир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фан-техника тобора ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда халқ фаровонлиги янгида охириги мақсадида табиатни муҳофаза қилишга ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланишга, агроф муҳитни, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида лойиҳасига бу масала алоҳида бўлим сифатида киритилиши ҳам бунинг ёркин далилидир.

Маълумки табиат ресурсларидан фойдаланиш нормалари ишлаб чиқилиб, бу иш илмий жиҳатдан асосланган тақдирдагина табиатга зарар келтирмаган ҳолда мўл ва турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида ҳисоб бўладиган «чинқилди» инсон саломатлигига ва агроф муҳитга салбий таъсир қилмайдиган даражада бўлиши керак. Бу масалаларнинг ҳаммасини бир зарб билан ҳал қилиш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш умумдавлат ишига айлانган ва табиий ресурслардан фойдаланиш қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, қатъий назорат қилиб борилади. 1975 йилдан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш давлат планига киритилди. Шундан эътиборан табиат муҳофазаси иш планли тарзда олиб борилади.

Бизнинг ўзинчи беш йилликда республикада бу борадаги план топшириқларини амалга ошириш учун 360 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу давр мобайлида ифлосланган сувни тозалайдиган, такорорий сув билан таъминлайдиган, ҳаводаги чанг ва газ чиқиндиларини ушлаб қолдиган кўлаб системалар ва мосламалар ишга туширилди. Саноат корхоналарида тозаловчи мосламаларини ремонт қилиш ва қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда, технология жараёнлари таъминлаштирилмоқда, агроф муҳит ҳолатини текширувчи лабораториялар ташкил қилинган. «Ташсельмаш», Тошкент абразив комбинати, Ўзбекистон металлургия, Тошкент лак-бўёқ, Фаргона азотли ўғитлар заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, Ангрен ГРЭСи ва бошқа бир қатор корхоналарнинг бу борадаги ишлари аниқсиз юрталди. Республикамизнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига табиий муҳофаза этини янада кучайтириш мақсадида кўлаб заповедниклар ва қўриқхоналар ташкил қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида кўча ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси ишга тушirilган, транспорт ҳаракати яхшиланди, уларнинг беқор тўхтаб қолмиш ҳолатлари қамалди. Республика министриликлари, идоралари, маҳаллий Советлар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларини бажаришда катта ишларини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси, Мелiorация ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш министриликлари, газ ва чангин ушлаб қолувчи мосламалар ишчи тоқшурувчи регионал инспекциялар қурастуруш ишларининг янги тармоқларини қўлайтиришга, махсус лабораториялар очилиши, агроф муҳитни ифлослантитувчи манбаларни мунтазам равишда назорат қилишни кучайтиришга катта эътибор берилган.

Аммо, олиб борилган илмий-тадқиқотлар сув ресурслари ва ҳавонини муҳофаза қилишда, шаҳарларини лойиҳадашда агроф муҳитга чиқариб ташланган зарарли моддаларнинг мумкин бўлган концентратияси нормативларини, уларнинг саломатлик учун зарарли таъсири олдини олиш йўл-ўсириқларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Шунинг айтиши керакки, республика халқ ҳўжалигида ҳамма тармоқларнинг жадал ўсиши, экономиканинг мустаҳкамланиши агроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида янада кўпроқ иш қилинишини тақозо этмоқда. Айрим маҳаллий Советларнинг икромия қомитетлари, маинистриликлар ва идоралар, Иттифок миқёсидаги корхоналар соғломлаштириш ишларини кенг кўлабда белгиланган муддатларда бажарилмоқдалар. Батён саноат корхоналарида газ ва чангин ушлаб қолувчи ҳамда тозаловчи ускуналар кам. Болрлари ҳам ё бузуқ ёки яқин ишламайдн. Сувсиз ва чинқидисиз технология жараёнларини, сувдан уздуксиз ва такорорий фойдаланиш системаларини ишлаб чиқш ва жорий қилиш сўст бормоқда. Шуниси ачинарлики, Нукус, Термиз, Урганч, Бухоро, Наманган ва бошқа шаҳарларда ҳатто текшириш лабораториялари ҳам йўқ.

Эндиликда табиий муҳитни муҳофаза қилиш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сифатини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб қолди. Чўпчи, агроф муҳитини ифлосланган ишлаб чиқариш фондларининг тез емирилишига олиб келмайди, ер-сув ва ўрмон ресурслари маҳсулдорлигини камайтириб юборди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, инсон саломатлигига салбий таъсир этади ва экономикага катта иқтисодий зарар келтирди.

Ўзбекистоннинг табиати бой ва ранг-баранг. Уни ишлаб чиқариш кўпчилиги янада жадал ва интенсив ривожланган даврда ҳам, табиат ресурсларидан тобора кўпроқ фойдаланилганда ҳам шундай ҳолатда сақлаб қолмиш бизнинг Ватени, нартини, халқ, келажак авлод олдидида инсоният бурчимиз ва шон-шараф ишанидир.

Табиатни муҳофаза қилишда илм-фан ютуқларидан омикорлик билан фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Меҳнаткашларни ва, аниқсиз, ёшларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш лозим.

Ун биринчи беш йилликда республикада табиий муҳитни муҳофаза қилишга жами 407 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш мўлжаллабдир. Бу ўтган беш йилликдаги нисбатан 65 миллион сўм кўндр. Ҳамма гап ундан расамдан билан, ўрнида фойдаланишда қолган.

Вазифа шундан иборатки, партия ва совет ташкилотлари, министриликлар ва идоралар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига худди асосий иш участкасига бўлгандек муносабатда бўлишлари, бу ишнинг чинакамига умумхалқ ишига айланиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 29 январь куни БРЭнинг Совет Иттифокдаги элчиси Д. Жулевни қабул қилди. Элчи БКП Марказий Комитети Биринчи секретари,

БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. И. Живковнинг шахсий тугбини Л. И. Брежнев тақдим қилди. Л. И. Брежнев билан Д. Жулев ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди. (ТАСС).


ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Съезд делегатлари 1981 йил 1 ва 2 февраль кунлари соат 10.00 дан 20.00 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинди.

йиги маъсали Пкин ўтказадиган антисовиетизм сийсатига дунёнинг ҳамма мамлакатларини бoғлаб қўйишга интилишдан иборат.

Ўнг катта империалистик давлатлардан мадад олиш умидида Хитой халқаро реакционий Сийсатда жандирмай бўлиш ролини ўз зиммасига олди, деб ўқиради Р. Рао. Хитойнинг экспансиячилик мудоаалари Хиндистоннинг мустақиллиги ва хавфсизлигига бевосита таҳдиду олмакда.

Пекин Хиндистонга нисбатан «жилайиш» сийсатига хилма-хил равишда бизнинг мамлакатимизнинг умумий ҳуқуқларини қўриқовчи олиш учун ҳамма ишни пилмоқда, деб таъкидладиган мақолада, У. Покистонни куруллантйрмоқда, Хиндистоннинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шимолий-шарқий раёналда



ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

28 январь куни Москвада бўлиб ўтган тантанали йиғилиш КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг 60 йиллигига бағишланди.

И. В. Капитонов, М. В. Зимин урқолар, партия ветеранлари, илмий муассасалар ва идеология муассасаларининг Совет Армияси сиёсий оқилларининг раҳбарлари, пойтахтдаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари президентдан жой олдилар.

Ингилларда Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров доклад қилди. У таъкидладики, В. И. Лениннинг таъаббуси ва бевоқифияти иштирокида ташкил қилинган институт ўзининг 60 йиллик фаолияти мобайнида марксизм-ленинизм классикаларининг меросини тўплайдиган, асрийдиган ва пропаганда қилувчи, илмий коммунизм, КПСС сиёсати ва тарихи, партия қурилиши, халқаро коммунистик ҳаракатнинг актуал проблемаларини тадқиқ қилувчи, шунингдек илмий марказ бўлиб қолди.

Совет жамаиятини иқтисодий ва социал ривожлантириш улуғвор асосларини ҳал этишда, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда КПСС бутун фаолиятининг назарий асоси — марксизм-ленинизмнинг қудратли ижодий кучи тобора тўлиқ намоён бўлмоқда. (ТАСС).

КОСМОНАВТЛАРГА МУКОФАТЛАР

БСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Май 28 январь куни Москвада СССРнинг космонавт уювчилари Л. Попов билан В. Рюминга Вьетнамнинг олий мукофотларини топширди. «Салют-6» орбитал станцияси тўртинчи асосий экипажининг аъзоларига космосни заёб этиш ишидаги ҳаёт катта хизматлари ҳамда совет космонавти В. Горбатко билан Вьетнамнинг тадқиқоти-космонавти Фам Туан иштирок этган биргаликдаги Совет-Вьетнам экспедициясини амалга оширишга қўйган ҳиссаси учун Вьетнам Меҳнат Қарамои унави билан берилди ва биринчи даража Хо Ши Мин ордени билан таърифланди.

Космонавтларга мукофотларни топшира туриб, Нгуен Хиу Май айтдики, биз мана шу дўстона иш билан совет кишиларининг Вьетнам фани ва техникасини ривожлантиришдаги дўстона ёрдами учун барча вьетнамликларнинг улардан ҳаёт катта миннатдорчилигини изҳор этишини истайди. (ТАСС).

ТАСС — ЎзТАГ мухбирларидан

АХБОРОТ

ҚАРДОШЛАРЧА ДУСТЛИК ТАНТАНАСИ

Догистон АССР ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарга келган автоном республика делегацияси билан пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг учрашуви қардош совет халқлари муштарак дўстлигининг ёнқилишига айланди. 28 январь куни бўлиб ўтган кеча шонли санага бағишланди.

КПСС Догистон области комитетининг биринчи секретари М. С. И. Умаров доклад қилди. У автоном республика Коммунистик партия раҳбарлигига босиб ўтган катта йўл тўғрисида, меҳнаткашлар КПСС XXVI съездининг қандай соғалар билан кутуб олишига ҳозирлик қўйганини айтишда ҳаётлиқ сўзлаб берди.

Марказий лекторий фойеида «Догистон АССР 60 йил ичида» фотостановкаси ташкил қилинган. Қардош республика санъат усталарининг концерти зўр муваффақият билан ўтди.

ИСТИҚБОЛ НАВЛАРГА — КЕНГ БЎЛ

Анджонда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда Фарғона vodiисидagi элита хўжалиқларида пахтанинг истиқболли навларини яратиб проблемалари муҳокама қилинди. Конференцияда қатнашчилари Ўзбекистоннинг илмий муассасаларида пахтачилик соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни янада ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиковнинг доклады тингиланди.

Конференцияда Анджон об-

Анжон қирғоғидаги янги қирғоқда қўлчиларнинг диққат-эътиборини улуғвор монумент ўзига жалб қилди: паҳлавон йигит ёлқини оқсиза тўтиб, болали аёлни бало-қазондан ҳимоя қилаётгандай. Она ва болага нима хавф-хатар солди, паҳлавон уларни қандай фалокатдан ҳимоя қилаётди?

«Жасорат» — тошкентликларнинг 1966 йил апрель тоғларида ер ости тўфонидан голиб келганлигини ифодаловчи ҳайкалтарошлик ансамбли мана шундай деб атайлади. Монумент собиқ Қашғар маҳалласида — зилзила-қулайнинг наъ эпизентри ўрнида қад қўтарган.

Ушда дахшати даламлар юз бергандан кейин салкам ўн беш йил ўтди. Яна 1981 йил арафасида Тошкент заминни даразга қолди. Бу гал эпизентр Тошкент марказидан ўн беш километр қарда, Назарбек посёласида бўлди. Бу ерда зилзиланинг кучи сақизли баллага етди.

Ўзбекистоннинг барча областлари ва шаҳарлари озор чеканаларга ердагига ошқандилар. Биринчи галда иқтисодий шикастланган уй-жойлар худудлик билан ремонт қилинди. Аммо яна бир неча кун ўтмиш билан эрталаб тагин етти балли зилзила бўлди.

— Назарбек зилзиласи секин-аста тоғ ҳосил бўлиш жараёни билан боғлиқ, — дея ҳикоя қилади Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Сейсмология институт директори Т. А. Мавлодов. — Зилзила ўчоғи 1966 йилда Тошкент зилзиласи бўлган атрофда, Қоржонтоғ зонасига жойлашган. 11 декабрдан буюн шу кунга қадар Тошкент сейсмика станцияси икки юздан зиёд таворий силкинишлар

ШАҲАРЛАР ВА ЙИЛЛАР ЭПИЦЕНТР ВУЛГАН ЖОНДА

ни қайд этди. Шундан 15 таси эпизентрда беш-олти балли, Тошкентда эса тўрт-беш балли бўлди. Сейсмологларнинг мунозираси, яна бир неча марта беш баллача силкинишлар, йигирма-ўн таси икки-уч баллдан тўрт баллагача силкинишлар бўлиши кутимлоқда.

— Ер ости силкинишлари бўлиб турган бўлса-да, — дейди Калинин район партия комитетининг биринчи секретари, зилзила оқибатларини тугатиш район штабнинг раҳбари Р. Камбаров, — одамларда ташвиш, ваҳима сезилмапти. Меҳнат мароми бўзилгани йўқ.

Назарбеклик шофер Абдулмалик Нурматовнинг оила аъзолари билан сўбатлашамиз. Улар шу кунларда пайрон бўлган уйи ёни